

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ – МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ АСОСИ

Абдуллаева Ў.И

ТДПУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10801570>

Аннотация. Жадид маърифатпарварларининг педагогик фикрлар тараққиётига қўшган ҳиссаси, педагогик қарашлари, қолдирган меъроси ва уларнинг сиймоларини ўрганиш ҳар доим ҳам жамиятнинг асосий мақсади бўлиб келган. Тарихдан маълумки жадидлар ўзларининг қарашларида миллий тарбияни, маърифатпарварлик гояларини илгари суриб, миллатни илмсизлик жаҳолатидан қутқариш учун эски мактабни ислоҳ қилишни зарурлигини исботлаб, усули жадидияга асос солди. Ушбу мақолада жадид маърифатпарварларининг юқоридаги мазмунга оид бўлган қарашлари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: Жадидчилик, маърифатпарварлик, усули жадид мактаби, маънавият, педагогика, тушунча, янгилик, янги усул, ижтимоий тарбия, миллий уйғониш, ренессанс, эски мактаб.

Аннотация. Изучение вклада современных просветителей в развитие педагогической мысли, их педагогических взглядов, их наследия и их имиджа всегда было главной целью общества. Известные из истории джадиды выдвинули в своих воззрениях идеи народного образования и просвещения, обосновав необходимость реформирования старой школы, чтобы избавить нацию от невежества, и заложили основы джадидского метода. В данной статье рассматриваются взгляды джадидских просветителей на вышеуказанное содержание.

Ключевые слова: Джадидизм, просвещение, джадидская школа метода, духовность, педагогика, концепция, инновации, новый метод, социальное образование, национальное пробуждение, ренессанс, старая школа.

Abstract. The study of the contribution of modern enlighteners to the development of pedagogical thought, their pedagogical views, their heritage and their image has always been the main goal of society. Known from history, the Jadids put forward in their views the ideas of public education and enlightenment, substantiating the need to reform the old school in order to rid the nation of ignorance, and laid the foundations of the Jadid method. This article discusses the views of the Jadid enlighteners on the above content.

Keywords: Jadidism, Enlightenment, Jadid method school, Spirituality, Pedagogy, Concept, Innovation, New method, Social education, National awakening, Renaissance, old school.

Педагогик меросимизни, маънавий қадриятларимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳозирги даврда долзарб масалага айланди. Мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўзликнинг англаш маънавий-маърифий қадриятларини чуқур идрок этиш ва ҳалққа етказиш ёшларни Ватанга, ҳалққа муҳаббат руҳида тарбиялашда улкан ишлар амалга оширилди. Халқимизнинг маънавий-илмий меросини ўрганиш ва унга муносиб баҳо бериш муҳим вазифалардан бирига айланди.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тош ёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат,

сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”. Дарҳақиқат, илмий меросимиз мазмунини миллий ва умуминсоний кадриятлар билан бойитилган педагогик ғоялар ташкил этади. Чунки, умуминсоний тафаккур маҳсули бўлган билимларгина инсониятни янги тараққиёт босқичига етаклайди.

XIX асрнинг охири XX бошларида юртимиз Туркистонда ижтимоий тарбияга оид ўзига хос жараён кечди. Бу жараён жаҳид маърифатпарвар педагоглари томонидан ташкил қилиниб, у Европа ва Россияда кечаётган тажрибалар асосида изчил ва узвий равишда ривожлантирила борди.

Бу ҳол педагогик фикр тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли: **биринчидан**, олимларимиз истиқлол даврида шаклланган миллий тарбияшунослигимизни жаҳид маърифатпарвар педагоглари билан қарашлари билан бойитиш фикрини маъқул топдилар; **иккинчидан**, давлат сиёсатида жаҳид маърифатпарварларининг ўз даврида ўйнаган роли эътироф этилди.

Бу ишларда давлат раҳбарининг даъватлари асосий йўналтирувчи омил бўлиб хизмат қилди. Улар жаҳид маърифатпарвар педагоглари фаолиятига шундай баҳо беради: “XX аср бошидаги маърифатчилик ҳақида кўп гапирганмиз. Ўша ҳаракатнинг намоёндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишимиз? Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларнинг мактаб очганига, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганига биров маош тўлаганми?! Биров уларга ойлик берганми?! Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида: “Умуман олганда жаҳидчилик ҳаракати тарихини, аждодларимиз маърифатпарварлари меросини чуқур ўрганишимиз зарур. Ушбу маънавий меросни кўп ўргансак, бугунги кунда бизни қизиқтирган саволларга жавоб топиш осонроқ бўлади. Биз уни қанчалик фаол тарғиб қилсак, халқимиз, айниқса, ёшлар шунчалик кучли ва ҳозирги тинч ва эркин ҳаётни қадрлашади”,-деган фикрни илгари сурди.

Жаҳид педагоглари ёшлар тарбияси масаласига ҳаёт ёки мамот масаласи деб қараганлар. Шу маънода, XX аср боши билан охиридаги маърифий-маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам ажиб бир ўхшашлик ва яқинликни туйиш мумкин. Жаҳидчилик ҳаракатининг тамал тоши усули жаҳид мактабларидир. Бу – жаҳидшунослар томонидан яқдил эътироф этилган фикр. Бу ҳаракатнинг асл мақсади миллатнинг ўзлигини танитиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ қилиш, миллат, Ватан истиқлоли эди.

Бу пайт миллатнинг ўзлигини англаш, миллий уйғониш даражасининг илк ривожланиш босқичи ва жаҳид мутафаккирларининг мустамлакадан мустақиллик сари қўйган биринчи дадил қадами бўлди.

Усули жаҳид мактабларининг вужудга келиши билан анъанавий ўқитиш усулларининг тубдан ислоҳ қилиш, таълим олиб боришнинг янги усуларини ишлаб чиқиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш жаҳид педагогикасининг долзарб масаласига айланди. Ўқитишда кўргазмалик (Мунаввар Қори), ифодали ўқиш ва унинг турлари, уларда техник воситаларидан фойдаланиш, нутқ ўстириш усуллари (Бехбудий, Фитрат), “Товуш-харф” методи орқали ўқитиш, ҳижжалаб ўргатиш (Шакуррий), ижтимоий тарбия, мактабгача

таълим тизимини янги усулда олиб бориш, ислоҳ қилиш (Хожи Мумин) кабилар айнан жадид педагоглари томонидан ишлаб чиқилди.

Педагогика тарихи фанида қатор жадидчи олимларни педагогикага қўшган ҳиссасини янада тўлиқроқ ўрганиш мумкин. Уларнинг яратган мактаблари, қолдирган мероси педагогик фикр тараққиётида катта аҳамият касб этиши юқорида келтирилган фикрларимизнинг далилидир.

REFERENCES

1. <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
3. Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. – Т., 2014.
4. Ҳошимов К., Нишонова С. ва бошқ. Педагогика тарихи. – Т., 1996.